



ЭКОЛОГИК ЯШАШ ШАРОИТИГА ҚАРАБ ИЧАК ПАРАЗИТОЗИ ВА МИКРОНУТРИЕНТ ЕТИШМОВЧИЛИГИ ТАНҚИСЛИГИ ҲОЛАТИ

Каримова И.О., Юсупова У.У.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Долзарблиги: Гельминтозлар дунёдаги энг кенг тарқалган юқумли паразитар касалликлардан бири бўлиб, ҳозирги вақтда улрнинг 50 мингга яқин турлари мавжуд. Шулар жумласидаги энг кўп учрайдиган паразитар касалликларга қуйидагилар: энтеробиоз, лямблиоз, аскариоз, дифиллоботриаз, анкилостомоз ва бошқалар киради. Кенг тарқалган паразитлар билан асосан болалар, яъни бошланғич ва мактаб ёшидаги болалар зарарланадилар.

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сайёрамизнинг болалар популяциясида гельминтларнинг тарқалиши катталарга нисбатан 5-6 марта кўпроқ. Бу бир томондан болалар орасида санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши ва атрофдаги дунёни "оғиз орқали" билиш билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан боланинг табиатига хос хусусиятларидан яъний, париетал ҳазм қилишнинг юқори интенсивдалиги деб ҳам қараш мумкин.

Маълумки айрим касалликлар профилактикасида умумдавлат дастурининг мавжуд бўлмаслиги давлат ва жамиятга иқтисодий ва ижтимоий зиён келтиради. Хусусан Ўзбекистон учун камқонликдан зарар йилига 153,9 млн долларни ташкил этмоқда (Каримов Х.Я., Сулейманова Д.Н., 2010). Хоразм вилояти кесимида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, темир, мис, рух микроэлементлар миқдори гижжа билан хасталанган болаларларнинг қонида соғлом болалар қонига нисбатан кескин камайганлиги аниқланган.

Хулоса: Шундай қилиб, паразитозлар тарқалганлиги, этиопатогенези ва клиник кўринишларига доир замонавий вазиятни таҳлил этиб, болалардаги микронутриентлар танқислиги билан боғлиқ бўлган болаларда ўсишнинг пасайиши билан бир вақтда, турли касалликнинг пайдо бўлиш хавфи,



моторика ривожланишининг кечикиши, ақлий қобилияти сусайиши ва мактабда билим эгаллашда муаммолар келиб чиқиши, тана вазни ва бўйининг пасайиши, ҳамда балоғат ёшига етганда иш қобилиятининг пасайиши билан ҳолатлар юзага келиб, бу ўз ўрнида салбий иқтисодий оқибатларга олиб келишида гелминтозлар ва паразитозларнинг маълум бир аҳамиятини бор, шу билан бирга, ичак паразитозларида витаминлар (витаминД, В12) ва макро- ва микроэлементлар танқислиги диагностикаси, коррекцияси, нутрицион кумаклашиш ва профилактикаси самарадорлиги ҳанузгача текширилмаган.

